

# Ishonch

2019 йил 7 февраль • пайшанба • № 20 (4149)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ҲУДУДЛАРДА ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 6 февраль куни иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда экспорт ҳажмини ошириш борасидаги энг муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференцалоқа орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар раҳбарияти, йирик компаниялар вакиллари, элчилар иштирок этди.

Экспорт – иқтисодиёт барқарорлигининг асосий омили. Валюта захираларини кўпайтиришнинг ягона йўли ҳам экспорт ҳажмини кескин оширишдир.

Мамлакатимизда экспорт фаолиятини энгиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўрилатган чоралар натижасида ўтган йили экспорт ҳажми 14 миллиард 258 миллион долларни ташкил этиб, 13,6 фоизга ўсган.

Кейинги икки йилда экспорт географияси 50 та давлатга кенгайиб, 140 та янги турдаги маҳсулот чиқарилган. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 56 фоизни ташкил этиб, ҳудудий саноат экспорти қарийб 1,7 баробар ўсган. Бироқ шунга қарамай, ҳали ҳам

мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмапти.

Йиғилишда Президентимиз экспорт боп маҳсулотлар таркибини диверсификация қилиш, экспортда хомашё бўлмаган маҳсулотлар улушини камида 60 фоизга етказиш зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг 2019-2025 йилларга мўлжалланган миллий экспорт стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берди.

Мазкур стратегия экспортёрларга кўрсатилаётган давлат хизматларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизни «Doing Business» рейтингда «ташқи савдо» кўрсаткичи бўйича юқори 50 та давлат қаторига киритиш масалаларини қамраб олади. Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, экспорт қилувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон экспортёрлар ассамблеяси ташкил этилди.

Видеоселектор йиғилишида эк-

портни кўпайтиришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, бу борадаги ишларни жонлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўтган йили ҳудудий экспорт прогнози бажарилмагани, айниқса, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бу борада сусткашликка йўл қўйилгани қайд этилди. Ҳудудий мева-сабзавот экспорти прогноздан анча кам бўлгани, бирорта ҳудудда бу борадаги режа бажарилмагани танқид қилинди.

Албатта, экспорт ҳажон бозоридаги конъюнктурага ҳам боғлиқ. Хорижий экспертлар жорий йилда ҳам асосий хомашё маҳсулотларнинг ҳажон бозоридаги нархлари паст бўлишини прогноз қилмоқда. Шу боис, 2019 йили экспорт прогнози ўтган йилга нисбатан 30 фоизга кўп этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбари экспорт прогнозини таъминлашни аниқ ҳисоб-китоб асосида ташкил этиш, бу борада янги тизимни йўлга қўйишни тақлиф қилди. Унга мувофиқ, аввало, Республика экспорт штаби фаолияти тубдан такомиллаштирилади. Штаб вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга би-

Шунингдек, Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўзлари мутасаддилик қиладиган вазирлик ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан экспорт прогнози бажарилиши учун шахсан жавобгар этиб белгиланади.

Республика экспорт штаби, Бош вазир ўринбосари ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тармоқлар ва ҳудудлар бўйича ўн кунлик экспорт жадалларини ишлаб чиқиб, тузилган экспорт шартномаларини сўзсиз бажариш ҳамда қўшимча келишувлар имзолаш чораларини кўради.

Иккинчидан, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда экспорт бўйича доимий ишлайдиган штаблар ташкил этилади. Улар масъулликда экспорт боп маҳсулотлар ечиш, хўжаликларни сифатли уруф ва кўчат билан таъминлаш, ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиб олиш, саралаш, қадоқлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, маҳсулотларни ташқи бозорга чиқаришга бўлган яхлит тизим йўлга қўйилади. Шунингдек, ушбу штаблар ички ва ташқи логистика, сертификация масалаларига, кичик бизнес субъектларининг экспортини кўпайтириш, кет-

кредитлар ажратилишига қўмаклашади.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар штаблари таркибига иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, божхона, стандартлаштириш, карантин бўйича республика идоралари, шунингдек, Савдо-саноат палатасининг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари ҳамда тижорат банкларидан вакиллар киритилади.

Йиғилишда ҳудуддаги штаблар экспортёрлар билан доимий равишда ишлаши, муаммоларини тезда ҳал қилиб боришлари зарурлиги таъкидланди. Амалга оширилатган ишлар натижалари «онлайн» равишда мониторинг базасига киритилиб, назорат қилиб борилади.

Учинчидан, вазирлар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўз йўналишидаги корхоналар бўйича экспорт прогнози бажарилиши учун жавобгар бўлади.

Мисол учун, «Ўзтўқимачилик саноат» уюшмаси кластерларда пахта хомашёсини етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлашга, республика бўйича барча тўқимачилик маҳсулотлари экспортига масъул бўлади.

### КҲН НАФАСИ

«Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори эълон қилинди.

\*\*\*

«Соғлиқни сақлаш тизими ислохотларига илғор хорижий тажрибани жорий этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилиниб, унга кўра қўшимча равишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари лавозими жорий этилди.

«Хўқуқий ахборот» канали

\*\*\*

Хуснуддин Ҳосилов «Ўзбекистон темир йўллари» темир йўл компанияси раиси вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

\*\*\*

Одил Темиров «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси этиб тайинланди.

«Хўқуқий ахборот» канали

\*\*\*

2022 йилда Ўзбекистон аҳолисини рўйхатта олишни ўтказиш концепцияси тасдиқланди.

\*\*\*

Умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида жорий йилнинг февраль-май ойларида «Китоб ҳафталиги» ни ўтказиш режа-жадвали ишлаб чиқилди.

Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати

\*\*\*

Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 25-27 апрель кунлари «Tashkent Law Spring» илк халқаро юридик форуми ўтказилди.

\*\*\*

Ўзбекистонда 500 млн. долларлик илк еврооблигациялар чиқарилади ва шу йилнинг 7-14 февраль кунлари Нью-Йорк, Бостон ва Лондонда роуд-шоулар (инвесторлар билан учрашувлар) бўлиб ўтади.

Молия вазирлиги матбуот хизмати

\*\*\*

Жорий йилнинг 7-17 февраль кунлари Индонезиянинг Жакарта шаҳридаги «Истиклол» музейида «Ўзбекистонга саёҳат» номли фотокўргазма ташкил этилди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси матбуот хизмати

\*\*\*

Гулистон давлат университетиде Қатагон кўрбонлари хотираси музейи ташкил этилди.

\*\*\*

«Шум бола – 2019» халқаро болалар кинофестивалини апрель ойида ўтказиш режалаштирилди.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги матбуот хизмати

\*\*\*

Миллий гвардия Республика «Ёш гвардиячилар» мусобақасини ўтказишни йўлга қўйди.

Миллий гвардия матбуот хизмати

\*\*\*

«AzonTV» онлайн илмий-маърифий телеканали шу йил 10 февралдан бошлаб ўз дастурларини намойиш эта бошлайди.

\*\*\*

Шу йилнинг 15-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида Марказий Осиё қиличбозлик Конфедерациясининг дастлабки расмий мусобақаси бўлиб ўтади.

Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизмати

\*\*\*

Фуқароларни мuddатли ҳарбий хизматга чақиритиш ва белгиланган хизмат мuddатини ўтаб бўлган фуқароларни захирга бўшатиш мuddатини шу йилнинг февраль-март ойларида март-апрель ойларида ўтказиш режалаштирилмоқда.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

ishonch.uz:

### «Матбуот бонг уради!»

ishonch.uz сайтида «Матбуот бонг уради!» рукнида марказий нашрларда эълон қилинган долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий мақолалар бериб борилаётган эди. Бу қутилган натижани бериб, муштарийларнинг ўзига хос эътирофларига сазовор бўлди. **Кўплаб талаб ва истакларни инобатга олган ҳолда ҳудудлардаги, яъни вилоят, шаҳар ва туман нашрларида чоп этилаётган долзарб мавзудаги материалларни ҳам сайтда бериб боришга қарор қилдик.** Шу боис, ҳамкасбларимиздан ўз нашрлари саҳифаларида чоп этилган мақолаларни **xatlar@ishonch-doverie.uz** электрон почта манзилига юборишларини сўраймиз.



- ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ОЧИҚ ХАТ
- ЁЛҒОН ҲИСОБОТЛАР, БАЖАРИЛМАС ВАЪДАЛАР
- TUMANINGIZ NECHANSHI O'RINDA?
- БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АРСИ



Навоий вилояти

Навоий шаҳрида «Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» мавзусида III аъънавий халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

## Буюк мутафаккир ижодига эҳтиром ифодаси



Унда Озарбайжон, Афғонистон, Бошқирдистон, Венгрия, Қозоғистон, Жанубий Корея, Мўғулистон, Россия, Туркия, Швеция, Ҳиндистон, Туркменистон каби 15 давлатдан 50 нафардан ортиқ навоийшунос олимлар, академиклар, профессорлар, иждоқор зиёлилар, фаоллар, талабалар ҳамда ёш олимлар қатнашди.

Анжуман шаҳар марказида барпо этилган истироҳат боғида қад ростлаган Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкали пойига гул қўйиш маросими билан бошланди.

«Ёшлар маркази»да буюк мутафаккир Алишер Навоий асарларининг янги талқин ва кўринишида чоп этилган намуналари асосида бадиий кўргазма ташкил этилди. Буюк мутафаккирнинг қайта нашр этилган 10 томлик асарлари ҳам меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Адабиётимизнинг энг дурдона асарларидан иборат китоб акцияси барчада катта таассурот қолдирди.

Конференцияда вилоят ҳокими Қ.Турсунов сўзга чиқиб, истиқлол йилларида вилоятда амалга оширилган

ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари Навоий бобомиз орзу қилган эзгу гоғларнинг амалий ифодаси эканлигини эътироф этди. Улуғ шоирга чексиз эҳтиром сифатида Алишер Навоий жамғармаси ташкил этилгани, мазкур тузилма буюк алломанинг бой маданий меросини янада чуқурроқ ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш, дурдона асарларини келгуси авлодларга етказишда ўзига хос кўприк вазифасини ўташи алоҳида таъкидланди.

Шундан сўнг венгриялик навоийшунос олим Бенедикт Перри, Туркиянинг Амасия университети ректори, профессор Метин Орбай, Тожикистон Республикасининг Хўжанд давлат университети доценти, филология фанлари номзоди Бахтиёр Файзуллоев, Ўзбекистондаги ҳинд маданияти маркази раиси Чандир Шетхор ҳамда академик Бахтиёр Назаров ва бошқалар сўзга чиқиди.

«Навоий ижодиётининг ахлоқий-маънавий ва ирфоний қатламлари», «Навоий ижодининг хорижда ўрганилиши ва тарғиб», «Навоий ва тилшунослик масалалари», «Навоий ижоди: тарих, фалсафа, санъат» каби бир қатор мавзулар иштирокчиларнинг шўъба йиғилишлари мавзуси бўлди.

Конференция «Фарҳод» маданият саройидаги концерт дастури билан давом этди. Ёшлар ўртасида ўтказилган «Навоийлик ёш навоийшунослар» кўрик-танлови ғолиблари ҳам тақдирланди. Кармана туманидаги 28-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Комила Ҳамроевага вилоят ҳокими томонидан Президент совғаси – «Spark» автомашинаси топширилди.

Анжуман назм ва наво кечаси билан якунланди.

Дилафрўз ҲОЗОВА,  
«Ishonch» мухбири

Шахсий фикр

### Тиббиёт ходими мақоми

уни расман мустақкамлаш фурсати келмадимикин?

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустақкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизими муттасил ислоҳ этилаётир. Шубҳасиз, бу жараёнда тиббиёт ходимлари иштироки муҳим ўрин туттади. Боиси, тиббий асбоб-ускуналар ҳар қанча замонавий бўлмасин, шифокор ундан тўғри ва самарали фойдаланмаса, у оддийгина буюмликча қолаверади. Хўш, мутахассис қачон малакали хизмат кўрсатади? Қачонки, муносиб шароитда ишласа, олаётган иш ҳақи оиласини таъминлашга етса, жамоада унинг меҳнати қадр топса. Бу фақат тиббиёт ходимлари учун эмас, барча соҳа вакиллари учун бирдек муҳимдир.





Нигоҳ

Эрта тонгда туриб ювинасиз, руҳан покланиб, ён-атрофга назар ташлайсиз. Ҳайратангиз қилинган дилингни нималардир қитиқлаётганини беихтиёр ҳис қиласиз. Шундай одамлар бор: кўнглида жўш ураётган беғубор туйғулар шундоққина юз-кўздан балқиб туради. Шундай одамлар бор: юз-кўзлари тунд, қарашлари ёқимсиз. Ундайларни кўрманг ҳам, куйманг ҳам. Хўш, сиз қайси тоифага мансубсиз? Албатта, хамма биринчи тоифага тааллуқли бўлишни истайдиган. Некбин инсонлар қанча кўп бўлса, шунча хамма яхши-да, ахир!

# Кайфият

Баъзан ўйлаб қоламан. Футбол майдонида икки томон куч синашмоқда. Ҳайратангиз қилинган дилингни нималардир қитиқлаётганини беихтиёр ҳис қиласиз. Шундай одамлар бор: кўнглида жўш ураётган беғубор туйғулар шундоққина юз-кўздан балқиб туради. Шундай одамлар бор: юз-кўзлари тунд, қарашлари ёқимсиз. Ундайларни кўрманг ҳам, куйманг ҳам. Хўш, сиз қайси тоифага мансубсиз? Албатта, хамма биринчи тоифага тааллуқли бўлишни истайдиган. Некбин инсонлар қанча кўп бўлса, шунча хамма яхши-да, ахир!

лиги туфайли эришиш мумкин. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларининг амалга оширилиши юртимизда, хоҳиш бўлса, одамларимиз нима ишларга қодирлигини намояндалар. Лекин бу намуналар хотиржамликка берилишимизга асло йўл қўймаслиги керак. Шундай иш тутишимиз лозимки, хамма жойда одамлар рози бўлсин, аҳли оиласи иштирокида эртанги кунга ишонч билан қарасин. Баъзан шундай бўладики, қаёққа бош уришини билмай қолади киши. Шундай



**Шукрат ЖАББОРОВ**, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

ҳамюртларимиз борлигини ҳисобга олган Жиззах вилояти ҳалқ кўнгли қизлар кўмитаси ҳузурида ташкил этилган «Аёллар ижтимоий мослашув» маркази ҳам руҳан, ҳам моддий жиҳатдан ёрдам бериш тадбирларини кўраётган.

– Аввало, бу аёллар эҳтиёжи аниқланади, – дейди мазкур марказ раҳбари Назифа Камолова. – Боши берк кўчага тушиш сабаблари аниқланади. Ҳар бир инсоннинг ҳолатига индивидуал ёндашилади. Улар ижтимоий фойдали меҳнатга бепул курслар орқали кўнглирилади. Шу тарзда ночор ҳолатга тушган аёллар эл қатори яшовчилар сафидан жой олишади.

– Бизнинг вазифамиз кулгили ҳангомаларни ҳикоя қилиб, халқимизнинг кайфиятини кўтаришдир, – дейди қизиқчи Худойберди Зиёдов. – Кейинги йилларда халқнинг турмуш фаровонлиги яхшиланаётганлиги туфайли бўлса керак, кулиш одамларга жуда-жуда ярашади. Инсоннинг кайфияти яхши бўлса, фикри тиниқлашади, ишида унум бўлади, зиммасидаги вазифани бажариш осон кечади.

Таниқли рус адиби Юрий Поляковнинг «Ёзишча, ватанпарварлик – ҳар қайси мамлакатнинг иммунитетли тизими ҳисобланади. Шу маънода ватанпарвар инсоннинг юрти жамоли кўркамлашгани сайин маънавий оилам ҳам бойиб бораверади. Кайфият ҳам шунга мос равишда кўтарилади.

Шу юртга хизмат қилиш, одамлар эҳтиёжини қондириш учун хамма шароит яратилиши керак. Чунки яхши ном бизга обрў-эътибор келтиради. Шундай юртни кўришга иштиёқ уйғотади, имкони борларда эса инвестиция киритиш истагини туғдиради. Бундай даражага эришни шу юрт фарзандиман деб ҳисоблаган ҳар бир фуқароннинг жипслиги, бирдамлиги, аҳил-



Мулоқот

Ўқув-семинар

## МИЛЛИЙ АВТОСАНОАТ: Биз кутган янгиликлар бор(ми?)

**Бугунги кунда ҳаммани бирдек қизиқтирган, кўча-кўйда, гап-гаштакларда одамларнинг диққат марказида турган, уларнинг эътибори ва қайсидир маънода эътирозига сабаб бўлаётган бир маззу бор. Бу – автомобиллар, автомобилсозлик, уларнинг нархлари, сифати ва ҳоказо.**

Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида соҳа мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда «Узавтосаноат» АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Азиз Шуқуровдан кўпчиликини қизиқтиратган саволларга жавоб олди.

эмас, – деди айна шу саволга жавобан мутасадди. – Бу популизм нуқтаи назаридан яхши фикр. Лекин бизнес тарафдан қаралса, автомобилсозликда маҳсулот таннарихи энг махфий жиҳатлардан бири. Чунки уни ошқор қилиш бошқа рақобатчилар фойдасига хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун бу амалиёт автомобил саноатида қўлланилмайди.

### МАШИНАЛАР НАРХИ ТУШДИМИ?

Ўтган йили «Узавтосаноат» раҳбарияти 2019 йили бутловчи қисмлар нархини тушириш эвазига машиналарнинг баҳосини 9 фоизга арзонлаштиришни маълум қилган эди. Амалда шундай бўлдими?

– Жорий йилда таннархни 9 фоиздан 15 фоизгача туширишга эришдик, – деди Азиз Шуқуров. – Бу ўртача битта автомобиль 1100 дан 1500 долларгача арзонлашганини билдиради. 2019 йилда 240 дан ортик деталларни маҳаллийлаштириш кўзда тутилган.

Хусусан, Ҳозирда 35 та завод ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ва Асакадаги заводга етказиб бериш билан шуғулланувчи 98 та хусусий корхона мавжуд. Уларнинг барчаси моделига нисбатан 50-55 фоиз локализацияни таъминлаб беради. Бундан ташқари, биз янги моделлар устида иш олиб бораётишимиз. Уларнинг концепцияси ҳамкорларимиз билан келишувга асосан, биринчи кунданок локализацияни янада оширишга қаратилади.

### «АВТОМОБИЛЬ САНОАТИДА НАРХЛАР ШАФФОФЛИГИ ДЕГАН ТУШУНЧА ЙЎҚ!»

Нега автомобиллар нархи ўзгариши ҳамда охиши бўйича аниқ рақамлар ва изоҳлар беришмайди? Нархлар шаффофлиги қачон таъминланади?

– Нархларнинг шаффофлиги дунёнинг бирорта автосаноатида йўқ. Сабаби, сотувчи маҳсулот нархининг шаффофлигидан манфаатдор

### ЖИЗЗАХДАГИ ЗАВОД ҚУРИЛИШИ НЕГА ТЎХТАБ ҚОЛДИ?

Маълумки, «Жиззах» эркин иқтисодий ҳудудидида «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» автомобил заводи 2018 йил охирига қадар қуриб битказилиши ҳамда 2019 йилдан автомобиллар ишлаб чиқара бошлаши кўзда тутилган эди. Лекин номатлум сабабларга кўра қурилиш ишлари ўтган йилнинг ноябрь ойида тўхтаб қолди. Устига-устак ушбу ҳолат юзасидан жамоатчиликка батафсил ахборот берилмади.

«Халқ сўзи» газетаси муҳбирининг Жиззахда «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» заводи қурилишининг тўхтаб қолиши сабаби ҳақидаги саволига Азиз Шуқуров «Икки томон ўртасидаги шартнома шартларига кўра, бу ҳолатнинг иқтисодий томонлари ҳақида маълумот бера олмайдим. Ҳозирда бино девари қуриб битказилган. Лекин бино девор ва томдангина иборат бўлмайди. Технологияга боғлиқ жиҳатлар ҳали тайёр эмас. Ҳозирда компания билан музокарадор давом этмоқда. Яқин келажақда бу борада ҳам масала ижобий ечим топиши керак», дея жавоб берди.

Аъзам АБУЛҲАЙДОВ, «Ishonch» муҳбири

Иқтибос

«Бизнесда «Мижоз ҳар доим ҳам ҳақ эмас» қоидаси ишлайди».

Энцо Ансельмо Феррари, Ferrari автомобилсозлик компанияси асосчиси

### Аукцион савдолари хабарномаси!

## «КО'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

**Очиқ аукцион савдоларига** Бухоро вилояти «SNOXRUD» акциядорлик жамиятининг 05.02.2019 йилдаги 01/42-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидига қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:  
**1-ЛОТ.** «КАМАЗ-5410» русумли, 1991 йилда и/ч, д/р: 80/475 ЯАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 750 000 сўм.  
**2-ЛОТ.** «ОДА3-9370» русумли, 1990 йилда и/ч, д/р: 80/08-06 АА бўлган тиркама. Бошланғич баҳоси – 7 100 000 сўм.  
Очиқ аукцион савдолари 2019 йил 12 март куни соат 11:00да бўлиб ўтади.  
2019 йил 12 март санасидаги аукцион

савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда тақрири аукцион савдолари 2019 йил 19, 26 март саналарида ўтказилади.  
**Аукцион савдосида иштирок этиш истагини талабдорлар диққатига!**  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома расмий иш кунлари 12.03.2019 йилдаги савдо учун 11.03.2019 йилгача, 19.03.2019 йилдаги савдо учун 18.03.2019 йилгача, 26.03.2019 йилдаги савдо учун 25.03.2019 йилгача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).  
**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини талабдорлардан:**  
– «Аукцион ташкилотчиси» билан закат пули тўғрисидаги келишув шартно-

масини тузиб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закат пуллари тўлаши;  
– **жисмоний шахслардан** – паспорт нусхаси;  
– **юридик шахслардан** – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.  
Аукцион савдоси фойдига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузил-

ганда белгиланади.  
**Заказат тўлови учун реквизитлар:** «КО'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ, СТИР: 302523082, МФО: 00115, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Бухоро минтақавий филиали, х/р: 20208000805028108002.  
**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки мулк билан танишиш ҳамда кўшимча маълумотлар учун манзил:** Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 10-уй, (4-қават). **Тел.:** (65) 221-59-24. **E-mail:** kmss.res@mail.ru.  
«Аукцион ташкилотчиси» – «КО'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ.  
**Гувоҳнома: № 006263**

## «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Водийнефтьгазишхана» МЧЖнинг 05.02.2019 йилги 4-сонли буюртма хатига асосан, Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Жанубий Оламушук шаҳарчаси ҳудудидида жойлашган «Ертўла» иншооти кўйилмоқда.  
Қурилиш майдони – 278,24 кв.м. Бошланғич баҳоси – 7 200 000 сўм.  
**Аукцион савдоси 2019 йилнинг 12 март куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.**  
Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).  
**Буюртмаларни қабул қилишнинг охири муддати:** 2019 йил 11 март, соат 17:00.  
**Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:**

– **юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;  
– **жисмоний шахслар учун** – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;  
– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо фойдига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.  
Талабдорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг ҳисобрақамига («ТрастБанк» Фарғона филиали, х/р: 20208000300433601012. МФО: 01123, СТИР: 303179580) тўлашлари шарт.  
**Савдо ташкилотчисига тегишли ва савдо ўтказиладиган манзил:** Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават, 6-хона. **Телефон:** (99895) 402-54-75. **Электрон манзил:** www.emulk.uz, best.fergana@mail.ru.

Лицензия: RR-0225.



Кўнглум гул-у сарв майли қилмас, нетайин? Сарв-у гул ила даме очилмас, нетайин? Ҳар шўх кўрунса, кўзга илмас, нетайин? Бир шўхким, ул тилар – топилмас, нетайин?

Адабиётнинг бош вази фаси – инсонни унинг ўзига танитишдан иборат. Шу маънода у халқнинг миллат бўлиб шаклланишига ҳам салмоқли ҳисса қўшади.

# Навоий – комиллик тўмсоли

Ўзликни англаш Шарқда ҳам, Фарбда ҳам доимо донишмандлар эътиборида бўлган. Қадимги юнон ибодатхонасига муҳрлаб қўйилган «Ўз-ўзингни англаб ет» ҳикмати донишманд Суқротнинг шiori бўлгани ҳам бунинг ёрқин исботи.

фиқр юритар экан, бу тушунчага юксак ахлоқий масъулият ва бурч нуқтаи назаридан ёндашади. Зеро, инсон тор ва худбинликка етакловчи маҳдудликдан қутулибгина ўзликни англаб етиши мумкин. Бошқача айтганда, «борки махлуқотнинг тожи бўлиш» шарафига эришиш учун ўзгага малол келадиган манфаатлардан озод бўлиши даркор.

фалсафанинг тараққий этиши шу мамлакатда яшовчи халқнинг миллат бўлиб шаклланишида етакчи ўрми бўлиб хизмат қилади. Бу жараёнда ижтимоий шароит етилган бўлиши шарт. Афсуски, айни шундай шароит, кенг кўламли Ўйғониш ҳаракати Алишер Навоий яшаган заминда етилгани йўқ эди.

ҳукм чиқариш уларнинг қўлида бўлган. Уларнинг ҳукми қаршида ҳатто подшоҳлар ҳам ожизлик қилган. Жамиятдаги турли фожияларнинг келиб чиқиши ҳам шафқатсиз фатволар асосида рўй берган. Умуман, Шарқ тарихида маънавий етук, маърифатли зотларнинг қатл этилиши ёки бадарға қилиниши жоҳил динпарастларнинг фатволари билан амалга оширилган.

Ҳазрат Алишер Навоий инсоннинг ўзликни англаб етиши ҳақида фикр юритар экан, бу тушунчага юксак ахлоқий масъулият ва бурч нуқтаи назаридан ёндашади.

гига асосланувчи ислом муқаддаслиги учун қуюнса, иккинчиси «динда мажбурийлик йўқ» деган таълимотга асосланувчи христианлик ҳақида қайғуради. Лев Толстойнинг фикрига қўлоқ тутинг: «Буддавийлик ва христианлик моҳияти бир хил бўлиб, Будда таълимоти Библия таълимоти билан юксакроқдир... Христианликкагина хос бўлган алоҳида ҳақиқат йўқ. Кўпгина зиддиятлар ва келишмаган бидъатлар ҳам жой олиб қолган Инжилдан далил келтиришни бас қилиш вақти келди...».

Кўриниб турганидек, икки даҳонинг жасорати беҳад чексиз. Халқ бошига дин номи билан ёғдирилган офатни овоз чиқариб айтиш уларнинг халқ гамидан бошқа гами йўқ эканининг ёрқин исботидир. Уларнинг фалсафий қарашларида диний бағрикенгликдек олижаноб туйғулар ўз аксини топган.

Навоий даврида маърабапарларо келишмовчиликлар, зиддиятлар, кескин тўқнашулар ва диний жаҳолат жуда кўп эди. Бироқ улар бир диний оламда кечган бўлса, айни пайтда диний экстремизм ва терроризм бутун дунёни қамраб олди. Бу ёвуз ҳаракатда диний фарқланишнинг аҳамияти қолмади – диндош ҳам, ғайридин ҳам террор учун нишон бўлиши мумкин. Албатта, Алишер Навоий даврининг ижтимоий маъмуни тақозосига кўра, экстремизм, терроризм тушунчаларидан хабардор бўлмаган. Лекин ул зот ниҳоятда долзарб бўлган халқаро муаммоларни биргина байтида ифодаб берган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳазрат Алишер Навоий мураккаб, таҳликали, бидъат ва хурофот тазйиқлари кучайган бир шароитда яшади, лекин унинг адабий ва ижтимоий фаолияти Европа Ўйғониш ҳаракатида муносиб ҳисса қўшди. Шу маънода буюк мутафаккир ижоди умуминсоний аҳамиятга эга бўлиб, инсоннинг ўзликни англаш йўлида комиллик тўмсоли ҳисобланади.

Хурсанд ШАРАФИДДИНОВ, филология фанлари номзоди

Алишер Навоий донги кетган буюк шоиргина эмас, ўз даврининг энг маълумотли кишиси, фан ва санъатнинг турли соҳаларини асосли эгаллаган олим ва мутафаккир, энг хушёр, энг тадбирли ва давлатнинг истиқболлини кўра билувчи кенг қарашли бир сиёсатчи ҳам эди.

ОЙБЕК

Ўз касбига масъулиятли бўлиш, унга меҳр қўйиш ва унинг меваларидан бошқаларни баҳраманд этиш юксак фазилат ҳисобланади. Шу билан бирга, илм билан шуғулланишни ва унинг ривожига ўз ҳиссасини қўшишни истайдиганларга кўмаклашиш ҳам бир олимнинг инсоний бурчидир.

1973 йил. Ҳамидхон Аҳмадхўжаев Тошкент тўқимачилик ва енгил санаят институтининг «Пахта» дастлабки ишлаш кафедраси аспирантликка қабул қилинди. Устози доцент Мухторжон Алиевнинг маслаҳатлари билан хомашени ҳаво ёрдамида ташиш жараёнини ўрганишга киришиб, тадқиқот олиб борди.

Ҳамидхон Аҳмадхўжаев раҳбарлигида институт олимлари бир қатор салмоқли натижаларга эришди. Хусусан, Наманган шаҳридаги 3-пахта тозалаш заводида илмий лаборатория ташкил қилди.

малар яратилди. Чунончи, пневмотранспорт қурилмаси учун яратилган янги конструкциядаги тоштутгичнинг самарадорлиги кўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилди. Бу ихтирода пахта ни фармлардан ҳаво ёрдамида қувурлардан ташиш вақтида тоштутгич камерасида ўрнатилган чўнтакларнинг поғонали қилиб тайёрланганлиги пахта хомашеси таркибидан майда ва оғир аралашмаларни тўла ажратиб олиш учун имкон беради.

1993 йили Ҳамидхон Аҳмадхўжаев Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтига ўқув

Устоз учун ўтган ўқув йили, айниқса, ёрқин из қолдирди. Шогирди Шўҳрат Азизов томонидан чигитни толадан ажратиб берадиган жан машинасининг икки камерали қилиб тайёрлангани Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ўта муҳим ихтиро сифатида эътироф этилди.

Устоз билан 36 йилдан бери ҳамнафас бўлиб ишлаб келадиган шогирд сифатида айтишни керакки, Ҳамидхон Аҳмадхўжаев яхшиликни кўнглига жо қилган, яхшиларга ёндашиб келган, инсонларга наф келтиришни ҳаёти мазмунига айлантирган олижаноб инсондир.

Ҳамидулло ИСОХОНОВ, Наманган муҳандислик-технология институти доценти, техника фанлари номзоди, институт «Нуроний» кенгаши раиси

## Ўз касбининг фидойилари

Ташкилотчи Шербой Маматқулов раҳбарлигида ҳар қачонгидан кўра қизғин тус олди. Икки йил муқаддам «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган ёзги биатлон мусобақаларида унинг ўқувчилари фаол қатнашиб, фахрий ёрлик ва диплом билан тақдирланганди.

Абдулла САЙДОВ, Жиззах вилояти

1976 йили Ҳамидхон Аҳмадхўжаев аспирантурадан тугатиб, кафедрада ассистент бўлиб ишлаш бошлади. Орадан беш йил ўтиб, техника фанлари номзодлиги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ҳамидхон Аҳмадхўжаевни 1982 йили Тошкент тўқимачилик ва енгил санаят институти Наманган филиалига директорликка тайинлашди.

Таъкидлаш жоизки, 1982 йилдан 1995 йилгача

линди. Бунда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишида раҳбарлик қилган ва қимматли маслаҳатлар берган академик Руфат Маҳкамов, Турсунбой Рашидов, профессор Ботир Мардонов, Тўлқин Мавлонов, Дамир Ёқубов ҳамда ишлаб чиқаришда катта тажрибага эга бўлган Абдимўмин Омонов, Маматхон Жабборов, Олимжон Ҳожиёв, Мухбилло Ҳожиёв, Эргашбой Нормирзаев, Жўраҳон Бурхониддинов ва Баҳодир Жўрабоевларнинг хизматлари беқиёсдир.

Институт олимлари томонидан пахта тозалаш корхоналари техник ва технологияларини такомиллаштириш борасида эътиборга лойиқ ихтиролар қилинди. Илмий-техникавий ишлан-

# Яхшиликка ёндашган олим

ишлари бўйича проректорликка тайинланди. Ушбу таълим даргоҳида янги факультет, кафедралар ташкил қилиш, кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишда ғайрат кўрсатди. Айни пайтда аудитория, лаборатория, ўқув хоналарини таъмирлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан тўлдирди, компьютер хоналарини, интернет кафедини ташкил этиш устида ҳам эринмай ишлади.

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Хусан ЭРМАТОВ. Бўлимлари: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69. Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89. Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кўнакли чиқади. Газета «Ishonchning» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. Таъририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001. АТИБ «Ispolteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22. Андижон – (+998-99) 889-90-23. Жиззах – (+998-99) 889-90-25. Наманган – (+998-99) 889-98-02. Навоий – (+998-91) 537-61-76. Самарқанд – (+998-99) 889-90-26. Сирдарё – (+998-99) 889-98-55. Сурхондарё – (+998-91) 233-69-07. Фарғона – (+998-99) 889-90-24. Хоразм – (+998-99) 889-98-01. Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27.

Навбатчи муҳаррир: Т. Шернаев. Мусаҳҳих: С. Шодиева. Саҳифаловчи: Х. Абдуқалилов. ЎЗА яқуни – 22:50. Топширилди – 00:10. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма тибко. Буортма – 217. 30611 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133. 2 3 4 5 6